O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 12 февраль, №30 (3304) Пайшанба

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

**Р.Ф. Файзуллаевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, коммунал хизмат кўрсатиш ва транспорт комплекси раҳбари этиб тайинлаш тўғрисида**

Равшанбек Фатхуллаевич Файзуллаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, коммунал хизмат кўрсатиш ва транспорт комплекси раҳбари этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 11 февраль.

*Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда жиноий жазоларни либераллаштириш мақсадида қонун-ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Айниқса, Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX ва XI сессияларидаги нутқларида белгилаб берилган жамият ҳаётининг барча жабҳаларини эркинлаштириш, суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотини мантиқий якунига етказишга асосий устувор вазифа сифатида қаралмоқда.*

## Инсон ҳуқуқи — олий қадрият

Кеча пойтахтимиздаги «Dedeman SiLk Road» меҳмонхонасида «Ўзбекистон Республикасида жазони ижро этиш тизимини эркинлаштириш» мавзуида бўлиб ўтган семинар ана шу масалага бағишланди. У Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Конрад Аденауэр жамғармаси томонидан мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот органлари билан биргаликда ташкил этилди.

Семинарда мамлакатимизда ва жаҳоннинг турли давлатларида жиноий жазолар меъёрлари хусусида ҳам фикр алмашилди. Шунингдек, фақат суд-ҳуқуқ соҳасида эмас, балки жазони ўташ муассасаларида ҳам инсон қадр-қимматини сақлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилгани таъкидлаб ўтилди. Бундай семинарларни ўтказишдан мақсад Ўзбекистонда амалга оширилаётган жазони ижро этиш тизимини ислоҳ қилиш жараёнини таҳлил қилишдан, бунда хориж тажрибасидан фойдаланиш имкониятларини кўриб чиқишдан иборат.

Анжуманда Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси, доктор Мартин Хеккер иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз.**



## Чилангар

«Ўзбекистон темир йўллари» компанияси тизимидаги «Ўзбекистон» локомотив депоси чилангари Ҳасан Каримов (суратда)нинг кайфиятини кўриб турибсиз — аъло! Табиийки, кайфият аъло жойда иш ҳам зўр бўлади. Шунинг учун айтадиларки, кайфият ишчан бўлсин деб. Ўзининг ҳалол ва фидойи меҳнати туфайлигина у жамоада ҳурмат-эътибор қозонди, бахтини шу корхонадан топди. Зеро, мазкур депо мамлакатимиздаги ўнта турдош корхонанинг энг қудратлиси ва йиригидир. Бу ерда Ўзбекистондаги электровозларнинг қарийб 40 фоизи жорий ва капитал таъмирдан чиқарилади.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## Капитал қурилиш: ТУБ БУРИЛИШГА ЭРИШИШ УЧУН

### устувор вазифалар нималардан иборат?

### 1. Дастуриламал қоидалар

Собиқ шўролар тузуми даврида, хабарингиз бор, республикамизда қурилиш соҳаси билан жуда кўплаб ташкилотлар шуғулланарди. Айтайлик, бир неча вазирлик бўлиб, уларнинг таркибида 3-4 бўғиндан иборат бош бошқармалар, йирик трестлар, бошқармалар, ишлаб чиқариш комбинатлари, хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма ва бошқа бир қатор ташкилотлар фаолият кўрсатар эди.

«Қўйчивон кўп бўлса, қўй ҳаром ўлар» деганларидек, охир-оқибатда тармоқда иш орқага кетди, лойиҳалаш ва қурилишда сифат унутилди, қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини талон-торож қилиш, иншоотларни фойдаланишга топширишда бажарилмаган ишларни қўшиб ёзиш, яъни кўзбўямачилик иллатлари чуқур илдиз отди. Ўша пайтларда «Тошкентда нечта чуқурлик ва хандақ бўлса, бари қурилиш материаллари билан тўлиб кетди-ёв» деган киноямуз гап пайдо бўлганини ҳозир ҳам кўпчилик эслашади. Устига устак, мавжуд бошқарув тизимининг ўзи бозор иқтисодиёти талабларига жавоб беролмай қолди.

Қурилиш ташкилотларида юзага келган бундай салбий ҳолатлар 2002 йилда ҳам кузатилди. Эскича услубда ишлаш туфайли бозор шарт-шароитлари ва талабларига мослашиш жуда секинлик билан кечди. Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шарти ҳам бажарилмади — лойиҳа ва пудрат ишлари бозори ҳадеганда вужудга келавермади. Қурилиш ишларига буюртмалар эса танлов савдолари орқали жойлаштирилиши керак эди. Бироқ бу йўналишдаги ана шу тадбир очиқ, ошкора тусда ўтказилмади, унинг фаолият жараёни рўй-рост кўрсатилмади.

Энг ачинарлиси, капитал қурилишни ислоҳ қилишга доир илгари қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўла куч билан ишлай олмади. Сабаби — уларда буюртмачи ва пудратчи қайси юмушларга жавоб беришлари, имзоланган шартнома мажбуриятлари бажарилмагани учун улар қай даражада жавобгар бўлишлари очиқ-ойдин белгиланмаган эди.

Лойиҳа ва қурилиш ишларининг қиймати юқорилиги ҳамда сифати пастлиги ҳам жиддий эътирозларга сабаб бўлди. Текширишлар асносида қурилиш маҳсулотларига нарх белгилашда қоидабузилишларга йўл қўйилаётгани, смета баҳоларини, қурилиш-монтаж ишлари ҳажмларини сунъий ошириш ҳоллари ҳам аниқландики, бунга асло тоқат қилиб бўлмас эди.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил якунларига бағишланган йиғилишида Президентимиз соҳада ислоҳотлар ниҳоятда суст олиб борилаётганини қаттиқ танқид қилди. Айниқса, ушбу мажлис қарорида капитал қурилиш бўйича ўтказилаётган танлов савдолари натижалари, қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарни харид қилишнинг шаклланган тизими танқидий баҳоланди. «Даварxитектқурилиш» қўмитаси, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига танлов савдолари расмиятчилик билан ўтказилишини бартараф этишда, пудрат ишлари бозорини яратишда, нархларни шакллантириш тизимида, ассортиментни янгилашда, маҳсулотнинг импорт ўрнини босувчи турларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ижобий силжишлар сезилмаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Фармон ва ижро



Шу билан бирга, хусусийлаштиришда расмиятчиликдан реал хусусийлаштиришга ўтиш, хусусийлаштирилган корхоналарнинг Низом сармоясида давлат улушини тубдан қисқартириш, бошқарувнинг корпоратив тизимини мустаҳкамлаш, акциялаштирилган жамиятни бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтиришга эришиш, 2003 йилнинг I-чорагида мониторинг тизимини жорий этган ҳолда қурилиш қиймати ўсишига таъсир кўрсатувчи омилларни чуқур ўрганиб чиқиш лозимлиги таъкидланди. Айни чоғда тегишли идораларга капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволини тубдан ўзгартириш юзасидан ҳукумат қарорининг ижросини таъминлаш, ишчи кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоғини барпо этиш ҳамда унинг самарали фаолият юритиши бўйича аниқ дастурлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Орадан бироз вақт ўтгач, 2003 йил 6 майда эса Президентнинг «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Хўш, бу Фармоннинг аҳамияти нималардан иборат? Аввал қабул қилинган меъёрий ҳужжатлардан унинг қайси жиҳатлари фарқ қилади?

— Мазкур Фармон иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бири — қурилишда бозор муносабатларини янада чуқурлаштиришнинг сифат жиҳатидан янги босқичи ҳисобланади, — деди Вазирлар Маҳкамасининг Капитал ва уй-жой қурилиши, қурилиш индустрияси ва коммунал хизмат ислоҳотлари бўйича гуруҳи раҳбари Саттор Мустапов биз билан суҳбатда. — Капитал қурилишдаги ислоҳотлар амалда суст ва ярим-ёрти рўёбга чиқарилаётгани мана шундай кенг кўламли ва кенг миқёсдаги мазмун-моҳиятга эга ҳужжатни қабул қилиш заруратини тақозо этди.

Бу Фармоннинг аҳамиятига тўхталсак, аввало, у ўз вақтида қабул қилинди. Буни ҳаётнинг ўзи ҳам тасдиқламоқда. Иккинчидан, унинг дастуриламал қоидаларини ҳаётга татбиқ этиш нафақат капитал қурилишда мавжуд хато ва камчиликларни тугатиш, балки тизимда туб ўзгартиришларни амалга ошириш, шу тариқа бозор иқтисодиёти тамойиллари ва талабларига мос хўжалик муносабатларини такомиллаштириш имконини беради.

Агар Фармон қоидаларининг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан бир йил ичида 12 та қарор қабул қилингани, 32 та меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилгани ва бу борада ҳамон иш олиб борилаётганини эсласак, унинг мақсад ва вазифалари бундан-да устуворлиги ўз-ўзидан аён бўлади-қўяди.

(Давоми 2-бетда).

## ҲАРБИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Н.ЎЛЖАБОЕВ).***

Пойтахтимизда АҚШ ҳукуматининг "Экспорт назорати ва чегаралар хавфсизлиги" (EXBS) дастури доирасида мамлакатимиз чегарачиларига техникавий ёрдам тариқасида навбатдаги транспорт воситалари ва бошқа жиҳозлар топширилди.

Мазкур техникавий ёрдам КамАЗ ва УРАЛ юк автомобиллари, шунингдек, кўчма генераторлар, биноклар, қўл фонарлари ҳамда портатив компьютерлардан иборат бўлиб, умумий қиймати 1 миллион 189 минг 348 АҚШ долларига тенг.

Шу муносабат билан ўтказилган маросимда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисининг ўринбосари, чегара қўшинлари қўмондони, генерал-лейтенант Ғ.Тешаев ҳамда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жон Пурнелл мамлакатларимиз ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорлик Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

АҚШ Божхона ва чегара агентлигининг EXBS дастури Ўзбекистонда 2000 йил апрелидан фаолият юритиб келмоқда. Шу кунгача мазкур дастур доирасида техникавий ускуна ва ўқув семинарлари шаклида 5 миллион долларлик ёрдам кўрсатилди. Жорий йилда яна 600 минг долларлик ускуна етказиб берилиши кутилмоқда.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев иштирок этди.

*Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида аграр соҳа раҳбарларининг бир ҳафталик ўқув-семинари ўз ниҳоясига етди.*

## Ўқиш фасли

Унда аграр тизимга қарашли вазирлик ва идоралар, туманларнинг қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, ширкат ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари соҳада ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш, бозор муносабатларини чуқурлаштириш борасидаги билимларини мустаҳкамладилар.

Ўқувда қишлоқ хўжалик фанлари докторлари Ойбек Ёқубжонов, Ғиёс Раҳимов, техника фанлари доктори Сарсенбой Шамшетов ва бошқа етакчи олимларнинг маърузалари тингланди.

Семинар якунида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Турсунбой Тангриберганов сўзга чиқди.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Пойтахтимизда



## Семинар-кенгаш

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида навбатдаги семинар-кенгаш ўтказилиб, унда замонавий стандартлар талабидаги кадрларни тайёрлашда истеъмолчи корхоналар билан ҳамкорликни кучайтириш имкониятлари муҳокама қилинди. Кенгашда бошқа бир қатор вазирликлар, ташкилотлар ва корхоналарнинг раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Йиғилишни олий ва ўрта махсус таълим вазири С. Ғуломов бошқарди. Иштирокчилар мутахассислар бозорини ривожлантиришда олий таълим муассасаларининг маркетинг бўлимлари олдида турган вазифалар тўғрисида шу вазирлик маркетинг хизмати маркази бошлиғи А. Маманазаров, «Ўзбекенгилсаноат» тизимида кадрларга талаб ва эҳтиёж масаласи бўйича шу компания раиси А. Баҳромов, мутахассислар бозоридаги талаб ва эҳтиёжни ўрганишда бандлик хизматлари билан ҳамкорлик тўғрисида Меҳнат ва аҳолини ҳимоя қилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи С. Алиев ва бошқаларнинг маърузаларини тинглаб, муҳокама қилдилар.

Семинар-кенгашда бир қатор олий таълим муассасаларида битирувчи кадрларни иш билан таъминлаш соҳасида тўпланган фойдали тажрибалар бўйича қизиқарли чиқишлар ҳам бўлди.

**М. САФАРОВ.**

Жойлардан хабарлар

## Элчихонада тадбир

**Кеча Эронда ислом инқилоби ғалаба қозонганига 25 йил тўлди. Шу муносабат билан Эрон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонасида тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган чет эл элчихоналари ва дипломатик корпуслар раҳбарлари, республика жамоатчилиги вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

**Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Муҳаммад Фатҳали инқилобнинг мамлакат учун аҳамияти, Ўзбекистон-Эрон муносабатларининг бугунги аҳволи ҳақида гапирди. Тадбирда республика Бош вазири ўринбосари Р. Юнусов иштирок этди.**

**Шўрчи туманидаги "Совжирон" жамоаси колхоз бўлиб, ширкат бўлиб косаси оқармади. Ҳатто ғаллаю пахта тайёрлаш режаларини бажарган йилларда ҳам хўжалик қарзлар гирдобидан чиқа олмади.**

## «Совжирон» эгасини топди

**Бу йил Сурхондарёда паст рентабелли ана шундай хўжаликлардан 22 таси тугатилиб, улар негизида фермер хўжаликлари ташкил этилди. Улар орасида "Совжирон" ҳам бор. Фермер бўлиш истагида бўлганлар орасида Ғаффор Бўронов ғолиб бўлди. У хўжаликнинг 264 гектар майдони билан бирга, 148,9 миллион сўм кредиторлик қарзини ҳам зиммасига олди.**

**Фермер шу йилнинг ўзида қарзлардан қутулиб, хўжаликни юксалиш соҳилига олиб чиқмоқчи.**

**О. УСАНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Уч аллома руҳларини шод этиб

Кўргазма



Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида "Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби алломалар сиймолари ва мероси Ўзбекистон рассомлари ижодида" мавзусида кўргазма очилди.

Кўргазма уч қисмдан иборат бўлиб, ноёб қўлёзмалар, тасвирий санъат асарлари ҳамда мўъжаз санъат — миниатюраларни ўз ичига олган.

(Давоми 4-бетда).

## Хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида

***Матбуотда хабар қилинганидек, яқинда Тошкентда ўнлаб давлатлар, БМТ, ЕХҲТ, Европа Иттифоқи, НАТО, Жаҳон банки, ЕТТБ каби халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида "Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик" мавзусидаги халқаро анжуман ўз ишини якунлади. Анжуман Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ва Ж.Маршалл номидаги хавфсизлик муаммоларини ўрганиш бўйича Европа маркази томонидан ташкил этилди.***

Форум қатнашчилари тўрт кун давомида минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга оид долзарб масалаларни муҳокама қилдилар.

Масалан, Ж.Маршалл номли марказ профессори Р.Кангас Марказий Осиё давлатлари ўртасида етарлича интеграция жараёни кузатилмаяпти, минтақа мамлакатларининг ҳамкорлиги фақат баъзи бир алоҳида масалаларни ҳал қилишдагина кўзга ташланаяпти, деган фикрни билдирди. Мавжуд муаммоларнинг мураккаблиги минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, минтақа давлатлари ўртасида икки томонлама ва кўп томонлама имзоланган битимларни тўлиқ бажариш, минтақавий ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш, халқаро молиявий институтлар салоҳиятидан кенгроқ фойдаланишни талаб этади. Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш оламшумул аҳамиятга эга, деб таъкидлади Р.Кангас, бунда масалани ҳал қилиш бўйича қарорлар ташқи аралашувларсиз минтақа мамлакатларининг ўзи томонидан қабул қилиниши керак.

ГФР Бундестагининг Германия-Марказий Осиё парламент гуруҳи раҳбари, доктор Х.Вегенер ўз маърузасида Европа Иттифоқининг барпо этилиши тарихи ва Европа интеграциясининг муҳим жиҳатларига тўхталди. У бундай тажрибанинг Марказий Осиё мамлакатлари учун муҳимлигини қайд этар экан, ЕИ нафақат ягона иқтисодий маконлиги, балки ягона қадриятларга суянадиган ва мувозанатли сиёсат олиб борадиган давлатлар иттифоқи эканлигини таъкидлади.

Дин босқинчилик учун асос бўла олмайди, деди ўз чиқишида Индиана штати (АҚШ) университети профессори Н.Шахрани. Кўпгина диний экстремистик ва террорчи ҳаракатлар баъзи диний ақидаларни ўз манфаатлари йўлида нотўғри талқин қилган ҳолда маълум сиёсий мақсадларни кўзлашади.

Н.Шахрани 11 сентябрь воқеаларидан сўнг дунёни дўстлар ва душманларга ажратиш бўйича кузатилаётган содда тушунчанинг хатолигига эътиборни жалб этди. Терроризм чуқур илдизли муаммо, баъзи экспертларнинг эътиборни фақат унинг гўёки исломий жиҳатларига қаратишга бўлган интилишлари эса халқаро ҳамжамият фикрини ушбу касаллик

(Давоми 2-бетда).

